

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-3/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

**Бош муҳаррир:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Таҳрир хайати:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.  
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.  
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,  
т.ф.д., проф.  
Аззамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.  
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.  
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.  
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.  
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.  
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.  
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.  
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.  
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.  
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.  
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.  
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.  
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.  
Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc  
Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.  
Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.  
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.  
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.  
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.  
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.  
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.  
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.  
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,  
проф.  
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.  
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.  
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.  
Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.  
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.  
Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.  
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.  
Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.  
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,  
б.ф.д., академик  
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.  
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.  
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.  
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.  
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.  
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.  
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.  
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.  
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.  
Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.  
Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/3 (99), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 165 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

## МУНДАРИЖА ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Abdullayeva D.A.</b> Me'moriy yodgorliklar muhofazasidagi muassasa va tashkilotlar faoliyati	5
<b>Amanov A.T.</b> The main roles of mahallas and "chaihanas" in preserving rich cultural traditions and customs of the uzbek nation	8
<b>Aminov X.B.</b> Xorazm hunarmandchiligining taraqqiy etgan sohalari	12
<b>Baratov H.</b> ILK O'rta asrlarda Naxshab tarixiy geografiyasi	15
<b>Mamatov B.T.</b> The history of samarkand: yalangtush bakhodir and registon ensemble	18
<b>Mardiyeva G.K.</b> XX asrning 20-yillarining ikkinchi yarmi va 30 yillarida O'zbekistonda xotin-qizlarning fan va ta'lim tizimiga jalb etilish masalalari	20
<b>Xudayberganov S.S.</b> Mustaqillik yillarida Xorazm viloyati xalqaro iqtisodiy aloqalari rivojlanishining tarixiy tahlili	23
<b>Бахриев О.А.</b> Абдулхай Лакнавий яшаган мухит	28
<b>Зинатдинов Н.К.</b> Кампания «Топылыс» как одна из форм борьбы с религией в Каракалпакстане	30
<b>Зокиров Б.Ч.</b> Бухоро Халқ Совет Республикасида милициянинг ташкил этилиши ва унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни	36
<b>Каландарова Ф.А.</b> Манғитлар даври тарихшунослигига оид	39
<b>Кличев О.А.</b> Туркистон генерал-губернатори номидан Бухоро амирлигига юборилган элчилар	42
<b>Матжанов А.Ж.</b> Қорақалпоғистонда автомобил транспортининг тараққиёти	46
<b>Матякубов Ш.С.</b> XVI-XVIII асрларда Хива хонлигида металлсозлик: уй-рўзгор буюмлари, заргарлик, мискарлик ва қурол-яроғлар тайёрлаш	51
<b>Олимжонова Г.О.</b> Ўзбекистонда мустақиллик йилларида божхона ишини ривожлантириш тадбирлари	54
<b>Розимова Ё.Ю.</b> Ҳарбий таълим самарадорлигини ошириш – давр талаби	57
<b>Рўзиева Д.М., Йўлдошева М., Бўстонова У.</b> Янги Ўзбекистон тараққиёти илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг иштироки	62
<b>Турабоева Я.Р.</b> Ўзбек аёллари анъанавий тақинчоқлар тарихига бир назар	65
<b>Тўраева М.</b> БХСРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши: муаммо ва ечимлар	71
<b>Турдибоева Г.Д.</b> Қашқадарё вилоятида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш	75
<b>Хасанбаев Ў.</b> Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг радикализм ва экстремизмга қарши кураш тажрибаси	77
<b>Шихов О.О., Нурметов И.А.</b> Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширган тадбирлари доир баъзи бир чизғилар	81
<b>Якубов Т.Ё.</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришдаги роли	84
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Bazarova U.M.</b> Xorijiy til darslari jarayonida talabalarni axloqiy-estetik tarbiyalashning takomillashtirish omillari	87
<b>Bobomurodova Sh.F.</b> The problems which young learners encounter during listening process and solutions to them	89
<b>Daniyarova K.A.</b> Using proverbs in enhancing the logical thinking of learners of comprehensive schools	91
<b>Inomiddinova D.I.</b> Stages of development of linguistics and the role of linguistic schools in language teaching	94
<b>Kattabaeva D.K.</b> Improving the teaching of different terms through information technology	97
<b>Khudaiberdieva D.I.</b> Teaching extensive reading in non-linguistic universities	99
<b>Ravshanov M.K., Xoshimxujayeva M.M.</b> The role of interactive games in teaching a foreign language	102
<b>Ro'ziyeva G.T.</b> Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini innovatsion kasbiy faoliyatga tayyorlash metodikasining ahamiyati	104
<b>Ro'ziyeva G.T.</b> Biologiya fanidan 7-8 -sinf oquvchilarining dars samaradorligini oshirishda sinfdan tashqari ishlarni takomillashtirish	108
<b>Ruzieva K.Ya.</b> Topic based pictures as a means of teaching new vocabulary in foreign language lessons	111

бўлсада Аҳмад Дониш амир Насруллонинг давлат бошқарувида отаси амир Ҳайдар йўл қўйган камчилиқни такрорлаганини эслатиб ўтади. Жумладан, у давлатни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир қабила бошлиғини ўз ерларида қолишига мажбур қилган, у ерда мустаҳкам ўрнашиб олишга имкон берган, давлат бошқарувининг масъулиятли ва муҳим лавозимларига тожиклар, ҳамда чет элликларин жалб этган. Хукмдорларнинг бундай қарорлари мамлакатда тинчликни таъминлашга қаратилган бўлсада, бу келажақда ўзини оқламаган ва мамлакатни завол топишини тезлаштирган. Амир Насрулло хукмронлигининг охири ҳақида ёзар экан, хукмдорнинг амир Музаффардан бўлак ўғил фарзанди бўлмасда у ворис этиб набираларидан бирини танлаганини айтган. Унинг бу васиятини бошқа манбаларда учратмаймиз. Чунки аксарият бу даврга оид тарихий асарларда амир Музаффар шубҳасиз меросхўр сифатида тилга олинган. Шу жойда амирлар ва уламоларда иккиланиш бўлган. Бир гуруҳ ҳокимиятнинг меъросийлигини инобатга олиб амир Музаффар тарафида бўлган бўлса, иккинчи гуруҳ хукмдорнинг васияти муҳимроқ ва тўғри деган фикрда бўлишган. Охир-оқибат ҳокимият амир Музаффарга насиб этади. Иккинчи номзод эса Бухорони ташлаб қочишга мажбур бўганига қараганда у амир Музаффарнинг ўғилларидан бўлмаган.

Аҳмад Дониш амир Музаффар ва амир Абдулаҳатнинг хукмронлик йиллари ҳақида батафсил ёзади. Хусусан амир Музаффар давридаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол, давлат бошқаруви, хўжалиқ (давлатнинг сув тақсимотига оид масалари), Бухоронинг ярим мустамлакага айланиш жараёни ва ҳатто амирнинг кун тартибига оид маълумотларни кўришимиз мумкин.

Россия империясининг амирлик шаҳарларини босиб олишини осонлаштирган бир қанча сабабларни айтиб, амирнинг давлат бошқарувида йўл қўйган хатоларига ҳам тўхталиб ўтади. Амир Абдулаҳад даври ҳақида ёзар экан унинг даврида асосан русларнинг таъсирининг кучайгани, давлатнинг ярим мустамлакага айланиши тезлашгани, бунинг натижасида мамлакатдаги тартиб ва қоидалар илгаригидек мустаҳкам бўлмай қолганини айтади. Аҳмад Дониш ушбу хукмдорнинг ўн икки йиллик фаолиятини шохиди бўлган бўлсада, бу унга амирнинг бошқаруви ҳақидаги ўзининг мушоҳадаларини баён қилишга ҳалал бермаган. Бундан ташқари Петербургга юборилган бир қанча элчилик миссиялари, уларнинг натижасиз тугагани ҳақидаги ўзининг танқидий фикрларини билдиради. У ҳатто Қўқонда бўлиб ўтган қипчоқлар қирғини, унинг сабаб ва оқибатларига ҳам тўталиб ўтади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки Аҳмад Донишнинг “Манғитлар салтанати тарихи” асари Бухоронинг сўнгги ўрта асрлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарда булиб ўтган воқеаларнинг кечиши ва сабаблари муаллифнинг астрономик қарашлари билан боғланган ҳолда талқин этилган бўлсада, унда учрайдиган баъзи маълумотлар ушбу даврни ёритувчи бошқа маҳаллий манбаларда учрамайди. Айниқса асрада Аҳмад Донишнинг давлат бошқарувида хукмдорларнинг йўл қўйган хатоларига нисбатан кескин фикрларидан, унинг халқпарвар ва марифатпарварлик ғояларини англаш қийин эмас. Асардаги воқеа-ҳодисалар баёни гоҳида муаллифнинг ўта шахсий фикр ва мулоҳазалари билан йўғирилган бўлсада, бу унинг қийматини пасайтирмайди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад Дониш. Путишествие из Бухары в Петербург. Сталинабад. Избранное, 1960.
2. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России. Ташкент. Издательство “Наука” Узбекской ССР.1965.
3. Р.Х.Хади-заде. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. Тр. Ин-та языка и лит. Ан. Тадж. ССр, Сталинабад, изд-во АН Тадж ССР, 1956, т. 6.
4. Трактат Аҳмада Дониша. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания И.А.Наджафовой. Душанбе. Дониш. 1967.

ЎЎК:930.2:327.82(470+575)

### ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ НОМИДАН БУХОРО АМИРЛИГИГА ЮБОРИЛГАН ЭЛЧИЛАР

*О.А.Кличев, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро*

*Аннотация. Мазкур мақола Туркистон генерал-губернаторлиги номидан турли мақсадларни амалга ошириш учун амир қабулиги юборилган элчилик муносабатлари тарихи*

масалаларини қамраб олган. Унда тарихий жараён хронологик тартибга асосланган ҳолда таҳлил этилади. Аҳамиятли жиҳати, бу элчилик мақсади ва унинг юборилиш сабаблари бирламчи манбаларга таянилган ҳолда ўрганилганлигидир.

**Калим сўзлар:** элчи, император, амир, дипломатик қисм, савдо-сотиқ, мукофот, таржимон, қўшбеги, миссия, тортиқ.

**Аннотация.** Данная статья охватывает вопросы истории посольские взаимоотношения, направляемого на территорию эмира для выполнения различных целей от имени Туркестанского генерал-губернаторства. В нем исторический процесс анализируется на основе хронологического порядка. Важным моментом является то, что цель посольств и причины их отправки были изучены ссылаясь на первоисточники.

**Ключевые слова:** посол, император, эмир, дипломатический част, торговля, награды, переводчик, кошбеги, миссия, дары.

**Abstract.** This article covers the issues of the history of embassy relations sent to the territory of the emir to fulfill various purposes on behalf of the Turkestan Governor-General. In it, the historical process is analyzed on the basis of chronological order. An important point is that the purpose of the embassies and the reasons for their departure were studied by referring to the primary sources.

**Keywords:** ambassador, emperor, emir, diplomatic part, trade, awards, translator, koshbegi, mission, gifts.

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар якунида имзоланган 1868 йил 28 июндаги шартномадан сўнг, икки давлат ўртасидаги муносабатларни олиб боришда янги бўғин сифатида Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг фаоллиги ошди. Элчилик миссияси доир материалларнинг таҳлили натижасида 1867-1917 йиллар оралигида амирлик ҳудудига бир нечта мақсадларни кўзлаб империя вакил-элчилар юборилганлиги маълум бўлди. Улар орасида Туркистон генерал-губернаторининг топшириғига биноан ёки амирлик вакилларига жавобан юборилган элчилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Миллий архивида биз ўрганаётган даврга тегишли бўлган империя ҳукумати номидан амирликка сафар қилган миссия аъзолари тўғрисида идоралараро ҳужжатлар сақланмоқда. Амир Музаффар номидан 1869-1870 йилларда Санкт-Петербургга юборилган Саййид Мир Абдулфаттоҳ элчилигининг қайтиши муносабати билан Туркистон генерал-губернатори томонидан полковник С.И.Носович бошчилигида беш офицер ва амалдорлар ҳамда эллик кишилик конвойдан иборат элчилик миссияси 1870 йил май ойида Бухорога жўнатилган[1]. Идоралараро ёзишмаларда миссияга амир вакили Носир мирохўр ҳамроҳлик қилганлиги хусусида қайдлар учрайди. Ушбу миссия таркибида бўлган Л.Ф.Костенконинг маълумотларига асосланадиган бўлсак, унда бу элчиликдан Туркистон генерал-губернаторининг Бухоро амирига нисбатан дўстона муносабатини етказиш, амирлик билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш каби мақсадлар ҳам кўзланганлигини кўриш мумкин[2].

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ўрганиш ҳамда мавжуд имкониятларни кенгайтириш мақсадида 1872 йил апрелда амирлик элчиси Низомиддин мирохўр билан бирга Н.С.Петровский раҳбарлигидаги империя вакиллари амир қабулига йўлланади [3]. Абдулқодирбек бошчилигида 1873-1874 йилларда Санкт-Петербургга ташриф буюрган амирлик элчиларини Тошкентдан Бухорога қадар кузатиб қўйиш ҳамда Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Г.А.Колпаковскийнинг амир Музаффарга бўлган дўстона муносабатини етказиш мақсадида Н.П.Стремоухов ҳам элчи сифатида юборилади[4]. Таҳлиллар амирлик номидан Тошкент, Санкт-Петербургга йўналган элчиларга генерал-губернатор маъмурияти томонидан жавоб элчилиги ташкил этилганини кўрсатмоқда. Зеро, император генерал-губернаторга ҳудуд маъмурлари билан дипломатик муносабатларга киришиш ваколатини ҳам тақдим этган эди.

1870 йил апрелда Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатик қисм амалдорларидан стат-маслаҳатчи К.В.Струве, 1875 йил апрелида эса дипломатик қисм махсус топшириқларини бажарувчи амалдор А.А.Вейнберг, 1876 йилнинг февралида титул маслаҳатчи Вилкинс, коллеж котиби Николаев, коллеж ассесори М.А.Чанишевлар юборилиши хусусидаги идоралараро ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архивида сақланмоқда[5].

Россия империяси томонидан Қўқон хонлигига қаратилган ҳарбий ҳаракат якуни муносабати билан 1876 йилнинг мартида амирлик номидан Раҳматулло мирохўр Тошкентга ташриф буюрган эди. Бунга жавобан генерал-губернатор маҳкамасида махсус топшириқларни амалга оширишга масъул Шетин амир хузурига жўнатилганлиги хусусида маълумотлар учрайди[6].

Амир Музаффар 1879 йилда Москва, Оренбург, Троицк шаҳарларида савдо муносабатларини йўлга қўйишда қўмаклашганлиги, амирлик ҳудудида империя элчилик вакилларини юқори даражада қабул қилишда кўрсатган қўмаги ва амалий ёрдами учун қимматбаҳо тошлар билан безатилган 1- даражали Муқаддас Станислав ордени, кўшбеги Муҳаммад-бий эса олтин дастали қилич билан тақдирланади[7]. Мукофотларни амирлик маъмуриятига етказиш вазифаси генерал-губернатор адъютанти подполковник Колесников, таржимон коллеж ассесори Ш.Ибрагимовлар зиммасига юклатилади.

Туркистон генерал-губернатори девонхонасидаги йиғмажилдлар таҳлили натижасида генерал-лейтенант М.Г.Черняев 1882 йилнинг март ҳамда октябрь ойларида икки маротаба амирлик ҳудудига элчи жўнатганлиги маълум бўлди. Аҳамиятли жиҳати, иккала элчиликка раҳбар этиб бир шахс генерал-майор княз Витгенштейн тайинланган.

Княз Витгенштейн томонидан Бухоро амирига тақдим этилган генерал-губернатор мактубларини ўрганиш орқали миссия жўнатилиш сабабларига аниқлик киритиш имкони юзага келди. 1882 йил март элчилиги Россия императори томонидан Амир Музаффарга 1- даражали Муқаддас Анна орденини тақдим этиш мақсадида, иккинчи элчилик эса генерал-лейтенант М.Г.Черняевнинг Туркистон генерал-губернатори сифатида тайинланиши билан табриклаш, амирлик ва империя ўртасидаги муносабатларни олдинги каби давом эттиришга хайрихоҳлигини етказиш ниятида Тошкентга келган Раҳматулло тўқсоба миссиясига жавобан юборилганлигини кўриш мумкин.

Дастлабки элчиликда Княз Витгенштейнга ҳамроҳ сифатида майор Рихтер, таржимон Усмонбек тайинланади. Бухоро амири номига 1882 йил 28 октябрь санасида йўлланган генерал-губернатор М.Г.Черняев мактубида элчилик таркибига махсус топшириқларни бажарувчи амалдор В.В.Крестовский ва таржимон Байтоковлар киритилганлиги баён этилади. Ушбу миссия тафсилотлари В.В.Крестовскийнинг асарида батафсил ёритилади. Унда миссия аъзоларининг тўлиқ таркиби ҳам келтириб ўтилган[8].

1883 йилда Александр III нинг империя тахтига чиқиши муносабати билан амирзода Саййид Мир Абдулаҳаднинг Санкт-Петербургдаги олий қабулга ташрифи буюрган. Амирзода томонидан императорга тақдим этилган тортиқлар орасида йигирма минг бухоро тилласидан иборат маблағ ҳам борлиги тўғрисида қайдлар мавжуд. Бу маблағ хайрия ишларига йўналтириш мақсадида амир номидан императорга юборилган эди. Туркистон генерал-губернатори томонидан амирлик ҳудудига жўнатилган 1884 йилги миссиялардан бирига император топшириғига асосланиб йигирма минг тиллодан ўн мингини пойтахт Бухородаги Екатерина II ҳомийлигида қурилган Эрназар элчи мадрасасининг таъмири ва таъминотида йўналтирилиши тўғрисидаги генерал-губернатор мактубини амирга тақдим этиш вазифаси юклатилган[9]. Бу вазифа Туркистон генерал-губернаторлигида махсус топшириқларни бажарадиган амалдор полковник Булацели, шифокор Мешкин, коллеж котиби таржимон М.А.Чанишевлардан иборат миссия тарафидан ижро этилади[10].

Бухоро амирлигига 1884 йилда ташриф буюрган яна иккита миссия вакилларининг Туркистон генерал-губернаторига йўллаган ҳисоботлари ҳам Ўзбекистон Миллий архивида сақланиши маълум бўлди. Ҳисоботда 1884 йилнинг 1 июлида амир қабулида бўлган полковник П.П.Матвеев ўлкага янги тайинланган Н.О.Розенбах томонидан жўнатилганлиги баён этилади. Миссия бошлиғи П.П.Матвеев ўз ҳисоботида амирлик маъмуриятига тақдим

этишга мўлжалланган ўн еттита мактуб билан ташриф буюрганлигини таъкидлайди. Уларда генерал-губернатор ва амирлик ҳукумати ўртасида ҳал этилиши зарур масалалар, хусусан, телеграф алоқасини йўлга қўйиш билан боғлиқ тақлифлар ҳам баён этилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига юборилган миссиялар орасида бу каби ҳолат камдан-кам учрайди. Шунинг учун бўлса керак, полковникнинг мазкур миссияси 1884 йилнинг 27 июнидан – 9 августига қадар давом этган. Полковник П.П.Матвеев хисоботда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар амалга ошганини таъкидлаган [11].

Туркистон генерал-губернатори дипломатик қисм амалдори Н.В.Чариков ҳам 1884 йил сентябрда амирнинг олий қабулида бўлган. Учрашув икки давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шунинг унутмаслик керакки, айнан Н.В.Чариков 1886 йил январдан эътиборан амирлик пойтахтида ўз ишини бошлаган Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлигининг биринчи раҳбари эди. Ўз-ўзидан бу ташриф унинг амирлик вакиллари билан илк танишуви вазифасини ҳам бажарган десак, хато бўлмайди. 1885-1886 йилларда амирлик ҳудудига полковник И.Т.Пославский ҳам юборилган эди [12].

Амир Абдулахаднинг Санкт-Петербургга амалга оширган илк сафарига доир маълумотлар орасида Россия императорининг бу ташрифга берган рухсатини амирга етказиш учун ҳам 1892 йил апрелда генерал-губернатор томонидан миссия жўнатилганлиги маълум бўлди. Унга Туркистон генерал-губернатори адъютанти князь Гагарин раҳбарлик қилган [13]. 1896 йил апрель ойида генерал-губернатор А.Б.Вревский номига йўлланган амир мактубининг таҳлили эса коллеж маслаҳатчиси Цуриков ва штабс капитан Д.В.Беловлар амир Абдулахад қабулига ташриф буюрганликларини кўрсатмоқда. Миссия император Николай II нинг тож кийиш тантаналарига амирлик делегациясининг иштирокига рухсат берилганлик хабарини етказган эди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия империяси томонидан амирлик ҳудудига элчилик вакиллари йўллаш 1886 йилдан эътиборан нисбатан камайди. Таҳлиллар XIX аср 80-йилларининг ўрталарига қадар Россия империяси Бухоро амирлиги хусусида зарур маълумотларни элчилик вакиллари ташрифлари натижасида қўлга киритганини кўрсатмоқда. Тадқиқотимиз жараёнида 1886 йилдан эътиборан амирликда империя вакилининг фаолияти йўлга қўйилгани, кейинги даврда ушбу муассаса ҳукмрон доираларга керакли маълумотлар тўплаш ва тақдим этишга масъул этиб белгиланганлиги маълум бўлди. Бу элчилик ташрифларининг нисбатан камайишига олиб келишига хизмат қилган. Шундай бўлишига қарамай, мазкур даврда империя ва амирлик ўртасида анъанавий ҳамда муҳим тадбирлар юзасидан элчилик алмашинув амалиёти давом этган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон МА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғмажилд, 12- варақ.
2. Костенко Л.Ф. Путешествие въ Бухару русской миссии в 1870 году. – Санкт-Петербург: Типография А.Моритеровского, Издание Бортневского, 1871. -С.6.
3. Петровский Н.Ф. Моя поездка в Бухару (путевые наблюдения и заметки) // Вестник Европы. – Т.2. -№3. – Санкт-Петербург: Типография М.М. Стасюлича, 1873. – С.212.
4. Ўзбекистон МА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 229- йиғмажилд, 2-варақ.
5. Ўзбекистон МА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 290-йиғмажилд 11-варақ.
6. Ўзбекистон МА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 321-йиғмажилд, 4-варақ.
7. Ўзбекистон МА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 442- йиғмажилд, 22-варақ.
8. В.В.Крестовский маълумотларига қўра, миссия раҳбари генерал майор князь Витгенштейн, ўзи, таржимон сифатида Байтоков, шифокор Эрн, Кавказ милицияси хорунжиси Арслонбек Қорамирзаев, урядник билан бирга йиғирма иккита Урал ва Оренбург казаклари, ўнта қуролланган йигитлардан иборат бўлган. *Қаранг:* Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – Санкт-Петербург: Издание А.С. Суворина, 1887. –С.2.
9. Ўзбекистон МА, И-1 фонд, 29-рўйхат, 703-йиғмажилд, 2-3- варақлар.
10. Ўзбекистон МА, И-1 фонд, 34-рўйхат, 626-йиғмажилд, 16-18- варақлар.
11. Ўзбекистон МА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 627-йиғмажилд, 38-58 варақлар.
12. Пославский И.Т. Бухара (описание города и ханства) // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. - Вып. XLVII. – Санкт-Петербург: Военная типография (в здании Главного штаба), 1891. – С. 18.
13. Ўзбекистон МА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 858- йиғмажилд, 5-варақ.